

**ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК  
ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ  
ШАРТНОМАСИ № 02-10-03/001**

Андижон ш.

2022 йил “26”январ

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Лицензияси ва Устав асосида фаолият кўрсатувчи “**XALQ SUG’URTA**” СК МЧЖ (бундан кейин матнда «**Суғурталовчи**» деб юритилади), номидан 2021 йил 30 декабрдаги 75-сонли Ишончнома асосида биноан Андижон вилояти бошлиги Турсунов Р.Д бир томондан, ўз низом асосида иш юритувчи АТ халк банки Амалиёт Булим, (бундан кейин матнда «**Суғурта қилдирувчи**», номидан Содиков Фаррухбек иккинчи томондан қуйидаги шартлар асосида мазкур Суғурта шартномасини туздилар:

**1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ**

1.1. Суғурталовчи Суғурта қилдирувчининг мазкур шартноманинг 1-Иловасида курсатилган транспорт воситалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелдаги “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Конуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳакида”ги 141-сонли Карори асосида суғурта хизматини кўрсатади.

1.2. Суғурталовчи мазкур шартномада шартлашилган суғурта мукофоти суғурта қилдирувчи томонидан тўлиқ тўланганидан сўнг суғурта полиси амал қилиш муддатида суғурта ҳодисаси содир бўлганда шартнома (суғурта полиси) да белгиланган суғурта пули доирасида суғурта товони тўлаш мажбуриятини олиб боради.

**2. СУҒУРТА ОБЪЕКТИ**

Мазкур шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган транспорт воситаларидан фойдаланишда транспорт воситалари эгалари (суғурта қилдирувчи)нинг жабрланувчилар ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлиги конун ҳужжатларига мувофиқ юзага келиши билан боғлик бўлган мулкий манфаатлари мажбурий суғурта обьектидир.

**3. СУҒУРТА ПУЛИ**

3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга ошириш чора тадбирлари ҳакида”ги 141-сонли карорига белгиланади ва мазкур шартноманинг 1-иловасида ҳамда ҳар бир транспорт воситаси бўйича бериладиган суғурта полисларида кўрсатилади.

**4. СУҒУРТА МУКОФОТИ**

4.1. Мазкур шартнома бўйича суғурта мукофотининг микдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳакида”ги 141-сонли Карорига асосан тасдиқланган суғурталаш қоидалари (кейинги матнларда “Суғурта қоидалар” деб юритилади) 5-иловасидаги суғурта тарифларига мувофиқ хисоблаб чиқилади ва унинг микдори шартноманинг 1-иловасида ва суғурта полисларида белгилаб қўйилди.**Жами суғурта мукофоти 120000 (Бир юз йигирма минг) сўмни ташкил этди.**4.2. Мазкур шартнома бўйича суғурта мукофотини хисоблаш суғурталовчи томонидан мажбурий суғурта шартномасини тузиш тўғрисидаги ариза-анкетада суғурта қилдирувчи томонидан кўрсатилган маълумотлардан, шунингдек суғурта қоидалари 4-иловасига мувофиқ шакл бўйича тақдим этилган маълумотлардан ҳамда суғурталовчидаги мавжуд бўлган, ҳужжатлар асосида тасдиқланган маълумотлардан келиб чиқсан холда амалга оширилади.

4.3. Суғурта мукофоти тўлови пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Суғурта мукофотининг тўланган куни деб суғурта мукофотининг суғурталовчи хисоб ракамига тўлик миқдорда келиб тушган куни хисобланади.

4.4. Суғурта мукофоти тўлик тўланганидан сўнг суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига мазкур шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган ҳар бир транспорт воситаси бўйича суғурта полиси ва маҳсус давлат белгиси расмийлаштириб берилади.

## 5. СУҒУРТА ТОВОНИ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ

5.1. Жабрланувчининг мол-мулкига зарап етказилганда суғурта тўлови суғурта полисида кўрсатилган суғурта пулининг 35 фоизидан ошиши мумкин эмас.

5.2. Бир нечта жабрланувчиларнинг мол-мулкига зарап етказилганда ҳар бир жабрланувчининг (унинг меросхўри ёки хуқукий ворисининг суғурта қопловчи миқдори ҳар бир жабрланувчининг мол-мулкига етказилган зарур даражасига мутаносиб равища, мазкур шартноманинг 5.1-бандида кўрсатилган сумма доирасида аникланади.

5.3. Жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарап етказилганда суғурта товонининг миқдори суғурта полисида кўрсатилган суғурта пулининг 65 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

5.4. Бир нечта жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарап етказилганда ҳар бир жабрланувчига (унинг меросхўрига) тегадиган суғурта товони миқдори ҳар бир жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган заарнинг даражасига мутаносиб равища, мазкур шартноманинг 5.3-бандида кўрсатилган сумма доирасида аникланади.

## 6. СУҒУРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШ

6.1. Суғурталовчи суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) ташабbusи билан ёки суғурталовчининг талабига биноан зарарни бартараф килиш ва (ёки) камайтириш юзасидан кечикириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши муносабати билан юзага келган суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) барча билдирилган ва исботланадиган харажатларини, ҳатто бу чоралар муваффакиятсиз бўлган ҳолларда ҳам қоплади.

6.2. Зарарни бартараф килиш ва (ёки) камайтириш бўйича харажатлар суғурта товони миқдоридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

6.3. Суғурта товони суд харажатларини, шунингдек жарималар ва бошқа шу каби тўловларни қопламайди.

6.4. Суғурта товони етказилган зарар миқдорида, лекин суғурта полисида кўрсатилган суғурта пулидан ошмаган миқдорда суғурталовчи томонидан бевосита жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки хуқукий ворисига) тўланади (суғурта қоидалрининг 56-бандида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно).

6.5. Суғурта товонини тўлаш суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида амалга оширилади.

## 7. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Мазкур шартнома томонлари бўлмиш суғурталовчи ва суғурта қилдирувчининг хуқуқ ва мажбуриятларига суғурта қоидаларида белгиланган суғурталовчи ва суғурта қилдирувчининг хуқуқ ва мажбуриятлари тадбик қилинади ва ҳар икки томон учун мажбурий хисобланади.

7.2. Томонлар ушбу шартнома шартларини бажаришда бир-бирларига маълум бўлган ва тижорат сири бўлган маълумотларни сир саклашлари шарт.

## 8. ШАРТНОМА ВА (ЁКИ) СУҒУРТА ПОЛИСИННИГ МУДДАТИДАН ОЛДИН БЕКОР ҚИЛИНИШИ

8.1. Мазкур шартнома ва (ёки) шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган транспорт воситаси бўйича расмийлаштириб берилган суғурта полисининг амал қилиши:

- а) транспорт воситасидан фойдаланиш белгиланган тартибда тақиқланганда;
- б) суғурта полисида кўрсатилган транспорт воситаси бундан буён фойдаланиш учун яроксиз бўлиб қолганда;
- в) транспорт воситасининг эгаси ўзгарганда муддатидан олдин тўхтатилади.

Мазкур шартнома ва (ёки) шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган транспорт воситаси бўйича расмийлаштириб берилган суғурта полисининг амал қилиши конун хужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

8.2. Мазкур шартнома ва (ёки) шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган транспорт воситаси бўйича расмийлаштириб берилган суғурта полисининг амал қилиши муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда суғурта мукофотининг бир қисми тўланган товоң суммасига ва шартнома ва (ёки) суғурта полиси амал қилишининг кунлар хисобидаги қолган муддатига мутаносиб равишда қайтарилади. Бунда суғурта шартномаси ва (ёки) суғурта полисининг амал қилиши мазкур шартноманинг 8.1-банди "а", "б" ва "в" кичик бандларида кўрсатилган бошқа асосларга кўра муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда суғурталовчи суғурта мукофотининг қайтарилаётган қисмидан унинг суғурта шартномаси бўйича исбот қилинадиган харажатлари суммасини суғурта мукофотининг 25 фоизидан кўп бўлмаган микдорда чегириши мумкин.

### 9. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Томонлар мазкур шартнома ва конунчилик хужжатларида кўрсатилган мажбуриятларининг ўз вақтида ва тўлиқ бажармаганларни оқибатида иккинчи томонга етказилган зарар учун конунчилик хужжатларига кўра жавобгар хисобланадилар.

### 10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

- 10.1. Мазкур шартномадан келиб чиқадиган низолар конун хужжатларига мувофик ҳал этилади.
- 10.2. Томонлар ўзаро розилик асосида мазкур шартномага зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритишлари мумкин.
- 10.3. Мазкур шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг кучга киради ва томонлар келишуви ёки улардан бирининг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолда, бекор қилиш ташаббуси билан чиқётган томон иккинчи томонни камида ўттиз кун олдин келишувни бекор қилиши тўғрисида ёзма хабардор қилиши лозим.
- 10.4. Шартнома бир ҳил юридик кучга эга бўлган икки нусҳада тузилди ва ҳар бир томонда бир нусҳада сакланади.
- 10.5. Суғурта шартномаси 1 йил мудатга тузилади, суғурта жавобгарлиги хисобланган суғурта мукофотининг Суғурталовчининг хисоб рақамига келиб тушгандан кейин бошланади.
- 10.6. Суғурта мукофоти олдиндан 100% ўтказиб берилади.

«Суғурталовчи» номидан	“Суғурта қилдирувчи” номидан
<p>МЧЖ «XALQ SUG'URTA» СК Манзил: Андижон ш, Олтинқўл кўчаси, 3-уи. х/р: 2021 6000 3049 1548 5001 ЎЗР МБ МФО Банк коди: 01132 СТИР: 207 119 228 ХХТУТ: 96210 Тел/факс: (+998 74) 225 83 87</p> <p>Суғурталовчи номидан Андижон вилоят филиали бошлиги:</p> <p>XALQ SUG'URTA ANDJON VILOYAT FILIALI M.Y. (имзо)</p> <p>Турсунов Р.Д</p> 	<p>АТ «Халқ банк» Андижон вилоят амалиёт бўлими Манзил: Андижон вилояти, Андижон шахар, Мустакиллик кучи 3 уй х/р: 2989 6000 9000 0064 9001 Банк коди: 00649 СТИР: 200 242 889 х/р: 2980 2000 8000 0064 9193 ХХТУТ: _____ тел./факс: _____</p> <p>Наф олувчи номидан:</p> <p>Содиков Ф. M.Y. (имзо)</p> <p>ЮРИС Салиев З. (имзо)</p> 

Транспорт воситалари эгаларининг  
фуқаролик  
жавобгарлигини мажбурий сұғурта  
килиш бүйіча 2022 йил 26 январдаги  
02/10-03/ 001 сонли шарномага 1- илова

**Транспорт воситалар рўйхати**

<b>№</b>	<b>ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ</b>	<b>ДАВЛАТ РАҚАМЫ</b>	<b>АВТОТРАНСПОРТ МАРКАСИ</b>	<b>СУҒУРТА МУКОФОТИ (СУМ)</b>
1	ЕНГИЛ	60 075 КВА	NEXIA-3	120 000,00
	<b>ЖАМИ:</b>			120 000,00


**Томонлар имзолари :**

Сұгурталовчи номидан :  
ООО СК «XALQ SUGURTA» Андіжон вилоят  
филиали  
Адрес: Андіжон вилоят, Андіжон шаҳар,  
Олтінқұл күчаси 3 уй .  
АТ Халқ банкы ТШФ Амалиёт бўлими  
р/с: 2021 6000 3049 1548 5001  
МФО: 01132 СТИР: 207 119 228  
ОКЭД: 65120  
Андіжон вилоят филиали  
Бошлиги



АТ «Халқ банк» Андіжон вилоят  
амалиёт бўлими  
Манзил: Андіжон вилояти, Андіжон шаҳар,  
Мустакиллик кучаси 3 уй  
х/р: 2989 6000 9000 0064 9001  
Банк коди: 00649 СТИР: 200 242 889  
х/р: 2980 2000 8000 0064 9193  
ХТУТ: \_\_\_\_\_  
тел./факс: \_\_\_\_\_

**Наф олувчи номидан:**



Содиков Ф.

Солиев З.

ЮРИС

(ЦМЗО)